

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ДАВЛАТ МУХОФАЗАСИДА

Усмонова Роҳила Мардонкуловна

Низомий номидаги Тошкент давлат

университети магистранти

Аннотация: мақола Янги Ўзбекистонда оила ва жамият муносабатлари мавзусига багишланган бўлиб, шу жумладан оила тарбияси, оила институтини жамиятдаги ўрни ва роли, уни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишилар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: маънавий баркамол ва жисмоний соглом авлодни тарбиялаш, миллий анъаналарни авайлаб асраш.

Аннотация: статья посвящена теме взаимоотношений семьи и общества в Новом Узбекистане, в том числе анализу семейного воспитания, места и роли института семьи в обществе, проводимой работе по его укреплению.

Ключевые слова: воспитание духовно зрелого и физически здорового поколения, бережное сохранение национальных традиций.

Annotation: the article is devoted to the topic of the relationship between the family and society in New Uzbekistan, including the analysis of family education, the place and role of the family institution in society, and the ongoing work to strengthen it.

Keywords: upbringing of a spiritually mature and physically healthy generation, careful preservation of national traditions.

Оила ва жамият муносабатлари хар бир давлатнинг ривожланишида муҳим аҳмият касб этади. Ҳолбуки, оила миллатнинг урф одатлари маданияти ва қадриятларини сақлашда ҳамда фарзандлар таълим ва тарбияси камол топишида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги жамиятнинг истиқболини белгилаб берувчи муҳим омиллардан саналади. Бу хақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев қуидагича фикр билдирган, “Оила мен учун муқаддас. Муқаддаслиги шуки, авваламбор қаерда ишлашидан қатъи назар, ким бўлишидан қатъи назар агар оилада тарбия, оилада муҳит, оилада ҳалоллик, муносабат, тарбияга алохида эътибор бермаса, ҳеч

қачон натижা бўлмайди”¹.

Оилаларда тарбияни тўғри йўлга қўймай туриб, ёш авлодга миллий қадриятларимизни сингдирмасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, уни тараққиётга йўналтириш мумкин эмас. Бу жиҳатдан олиб қараганда, “Оила мафкуравий тарбиянинг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, фарзандлар онгига оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладага соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир”². Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўзининг “Бахтиёр оила” номли рисоласида “Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса жамият ҳам осоийшта, мустаҳкам фаровон бўлади. Аксинча оилаларда порокандалиқ, бузғунчилик бўлса, ҳалол – ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади охир оқибат у чуқур таназуллга юз тутади” З. деб таъкидлайди

Шу боисдан ҳам ҳозирда нафақат мамлакатимизда балки дунёдаги барча давлатларда ўз миллий қадриятларини мустаҳкамлаш, оиладаги тарбияни яхшилаш, болалар, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маънавий баркамол соғлом авлодни тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратишмоқда. Бу борда буюк бобоколонимиз Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати шу ҳалқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ”⁴. Тинчлиқ, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик эса оилаларининг интизомига таянади, пировард натижада ҳалқ ҳам шунча кучли бўлади. Агарда қайси бир давлатнинг аҳолиси жоҳиллик, ахлоқсизлик, билан оилавий муносабатларга енгил қараса ва интизомсизликка йул қўйса у ҳолда бу миллатнинг эртаси шубҳа остида қолади.

Бугунги глобаллашув даврида оммавий маданиятни кенг тарқалиши ўзбек оила ва жамиятига ва миллий қадриятларимизга таъсир ўтказмоқда. Хусусан, шиддат билан ривожланиб бораётган даврда мамлакатимиз ўз қадриятларимизни сақлаб қолган ҳолда замонавий ва фаровон оилани барпо этишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қарамоқда.

Жумладан бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганлариdek, - “Ҳалқимиз азалдан оилани муқаддас

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/> мурожаат қилинган сана 20.03.2023 й.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 66-б.

³ «HILOL NASHR» нашриёт-матбааси <https://hilolnashr.uz/index.php>. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.”Хилол Нашр, 2019.- 4 б.

⁴ Akhmadjanova, N. R. N., Abdukhalilovna, M. H., & Habibullaevna, M. B. (2019). Integrating language skills into the process of the English language teaching. Вестник науки и образования, (19-2 (73)

билиб, уни доимо асраб-авайлаб келади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор бўлади. Бир нарсани унутмаслигимиз лозим: хонадонларимиздаги тинчлик-тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳитга, мустақил ҳаёт остонасида турган қизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ”¹. Зеро, Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланмоқда. Яъни, “Инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри – энг муҳим қадрият” деган тамойил эътироф этилмоқда. Энг асосийси: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида узоқ йиллар амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойили “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартирилмоқда. Шу билан бирга мазкур стратегиянинг 5 бобининг 71-мақсади Оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргалиқда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш² бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Оила – бу никоҳ, туғишганликка асосланган кичик гуруҳ бўлиб, рўзғорнинг бирлиги ва унинг аъзоларининг ўзаро бир-бирига ёрдами, маънавий масъулияти билан боғланганлиги билан ифодаланади. Оила аъзоларининг муҳим ижтимоий-иктисодий вазифалари – жумладан авлодни давом эттириш, фарзандларга таълим, тарбия беришдан иборатdir³. Ўзбекистонда ҳам оила-жамиятнинг негизи бўлиб, мамлакатимизни ҳам биз катта бир оила деб тушуниш мумкин. Масалан, оиладан интизом, қаттиқ тартиб ва ўзаро ҳурмат бўлмаса бир-бирига нисбатан меҳр ва оқибат бўлмаса бундай оилаларда тотувлик ва ривожланиш бўлмайди . Оила турмуши қонунлар, миллий урф одатлар, қадриятлар ва ахлоқ қоидлари асосида қурилади ва ўзининг узоқ йиллар давомида шаклланган мустаҳкам ва маданий, маърифий, маънавий таянчларига эга бўлади. Оилада инсонпарварлик демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб - эҳтиёжлари асосида миллий қадриятлари шаклланади⁴.

Қадимдан ота боболаримиз оила ва ундаги тарбияга жиддий эътибор қаратиб келишган. Хусусан, соҳибқорон Амир Темур халқнинг тинч-осуда ҳаёт кечиришини, дахлсизлигини, янги барпо бўлаётган оилаларнинг поклик асосига

¹ Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари. Усманова Д.Х. www.scientificprogress.uz. Қаранг ўша манба. Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари. Усманова Д.Х. www.scientificprogress.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5841063> мурожаат қилинган сана 20.12.2022 й.

³ Шодиев Р.Т.. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, фан -

<https://staff.tiame.uz/storage/users/425/books/SJ7pcGQpfQAIVsrI2Kt2qKa7Q05E5KlsriMGZaWd.pdf>

⁴ Каримов И.А.. Ўзбекистон миллий истиқлол, иктисолид сиёсат, мафкура. “Ўзбекистон”, 1993, 47 б.

қурилишини мамлакат аҳамиятига молик масала сифатида¹ қараган. Буюк алломаларимиз Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Аз-Замахшарий, Ибн Арабшоҳ, Алишер Навойи Захриддин Мухаммад Бобур, Абдулла Авлоний ўз асарларида фикр мулоҳазаларини ёзиб қолдирган². Жумладан, Абу Наср Форобийнинг “Фуқаролик сиёсати”, “Фозил одамлар шаҳри”, “Давлат арбобининг афоризмлари” каби рисолаларида жамият ва оила муносабатлари, инсон жамоаларининг жамиятги туттган ўрни ва роли, оилани бошқариш ҳақидаги илмий билимлар қамраб олинган. Яна бир буюк бобоколонимиз Мир Алишер Навоийни ҳам жамият ва оила муҳити муштараклиги, оила ва жамият муносабатлари кўп ўйлантирган масалалардан бўлган. У ҳам барча асарларида инсонпарварлик, эзгулик ғояларини тарғиб қилган. Кейинчалик, жадидчи маърифатчи боболаримиз мамлакат тарроқиёти учун энг аввало, оилани ислоҳ қилишдан бошлаш зарур деб ҳисоблашган. Бугунги кунда ҳам ўзини долзарблигини йўқотмаган Абдулла Авлонийнинг пурмаъно қўйидаги сўзлари “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир”³, жадидларининг ёрқин намоёндаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмасида илмсиз, ноқобил ўғилнинг жаҳолатга юз тутиши ва оқибатда бир ўзбек оиласини барбод бўлиши ёки ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Кумуш ва Зайнаб муносабатларида ҳам оилавий масалалар муҳокама қилинган.

Мустақилликнинг илк йилларида бошлаб Ўзбекистонда оилага эътибор қаратилиб, уни мустаҳкамлашга, ёш авлодни жисмоний соғлом қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилди. Оилани замонавий жамиятидаги ўрнига баҳо бериб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов шундай деган эди “Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг баҳтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриётининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди. Она ва бола соғлом бўлса, оила баҳтли, оила баҳтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”⁴.

Шу жумладан, адолат ва тенглик қарор топган хуқуқий-демократик жамиятларда оилавий муносабатлар ҳамжиҳатлик, дўстлик, ўзаро хурмат-иззат тамойиллари асосида шаклланади. Никоҳнинг муқаддаслиги, ва ёшлар онгига

¹ Амир Темур ўйтлари. – Тошкент: Наврӯз, 1992, 18–19-бетлар.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Мерос, 1993, – 223 б; Аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992, – 79 б., Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-к., – Т.: Мехнат, 1992, – 326 б.

³ Авлоний Абдулла. Тошкент тонги. – Тошкент: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 246-б.

⁴ <https://metmash.kasaba.uz/oila-bahtli-bulsa-zhamiyat-mustahkam-buladi> мурожаат қилинган сана 22.02.2023 йил

мазкур тамоийлларни синглириб бориши оила муносабатларининг мустаҳкам ва абадий бўлишида кафолат ва гаровдир. Оилавий муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий мақсади оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро муҳаббат, ишонч, хурмат ва ҳамжиҳатликда масъуллигини оширишдан иборат¹.

Ушбу мақсад оилавий муносабатларни тартибга солувчи барча қонун хужжатларининг ғояси ҳисобланади. Оила жамиятнинг асосий бўғини, у никоҳ ва қон қариндошликка асосланиб, давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқи кафолатланганлиги, шу жумладан жамиятда давлат оилани, ҳимоя қилиши оилавий муносабатларга умуминсоний ва миллий қадриятлар жорий этилишини таъминлайди². Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель куни умумхалқ овоз берини орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциясининг **XIV боби** Оила, болалар ва ёшлар деб номланиб, Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир деб беглгилаб қўйилган. Унда никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг хуқуқлилигига асосланиши, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши ҳам белгиланган. Шунингдек, конституциянинг 77-моддаси “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради”³. 78-моддаси “Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Боланинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналиқ, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқининг бой маданий меросидан фахрланишни,

¹Ҳ.Рахмонкулов, Тошкент, 2004 й. – Тошкент. 2004 й. <https://staff.tiiame.uz/storage/users/416/books/Ohx3NDx1LHoV6Oxb2EUTvNThMQy99KMEEoSJJ3.pdf>.

²Ҳаёт китоби: Ёш оилалар учун энциклопедик кўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2011 -58 б.

³Ўзбекистон Республикаси Конституцияси *Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси* 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси *референдумида* умумхалқ овоз берини орқали қабул қилинган. <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат қилинган сана 21.11.2022 й.

ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қиласи”¹. 79-моддаси. “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”². 80-моддаси. “Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”³ деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Оила инсон камолотининг олтин бешигидир. Соғлом муҳит қарор топган оилалар юрт корига ярайдиган, эл хизматига камарбаста бўла оладиган фарзандларни тарбиялаб, камолга етказишнинг энг асосий омилларидан биридир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уни маънавий, мафкуравий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун мукаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажralишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалалар билан боғлик”⁴.

Мамлакатимизда ҳар бир оила давлат муҳофазасига олинган. Эътиборли жиҳати шундаки, ажralиш арафасида турган оилаларни яраштириш, юзага келган низоларни тинч йўл билан бартараф этиш борасида фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳамда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган яраштирув комиссиялари томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар миллий анъана ва давр талабларини ҳисобга олган ҳолда

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси *Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз берииш орқали қабул қилинган*. <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат қилинган сана 21.11.2022 й.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси *Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз берииш орқали қабул қилинган*. <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат қилинган сана 21.11.2022 й.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси *Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз берииш орқали қабул қилинган*. <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат қилинган сана 21.11.2022 й.

⁴ <https://sud.uz/оила-тинч-юрт-тинч>. Мурожаат қилинган сана 10.01.2023 йил.

оила институтини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шу нуқтаи назардан замонавий босқичда оила ва жамият муносабатларни тизимли таҳлил қилиш ва муаммоларни аниқлаш юзасидан илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш мұхим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мүмкінки Янги Ўзбекистонда оила жамият муносабатларни миллий ва умумисоний ахлоқий қадриятлар негизида ривожлантиришга эътибор катта эътибор қаратилиб, жуда катта ишлар қилинмоқда, уни ҳаётта жорий қилиш эса мамлакатимизни келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – 400 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарракиёти ва фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.1
<https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/> мурожаат қилинган сана 20.03.2023 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
6. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Баҳтиёр оила. – Т.”Хилол Нашр, 2019.-4 б.
7. Akhmadjanova, N. R. N., Abdulkhalilovna, M. H., & Habibullaevna, M. B. (2019). Integrating language skills into the process of the English language teaching. Вестник науки и образования, (19-2 (73)
8. Усманова Д.Х. Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари. www.scientificprogress.uz. Қаранг ўша манба. Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари. Усманова Д.Х. www.scientificprogress.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5841063> мурожаат қилинган сана 20.12.2022 й.

10. Р.Т. Шодиев. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, фан - <https://staff.tiame.uz/storage/users/425/books/SJ7pcGQpfQAlVsrI2Kt2qKa7Q05E5KlsriMGZaWd.pdf>.
11. Каримов И.А.. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура. “Ўзбекистон”, 1993, 47 б.
12. Амир Темур ўгитлари. – Тошкент: Наврӯз, 1992, 18–19-бетлар.
13. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Мерос, 1993, – 223 б; Аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992, – 79 б., Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-к., – Т.: Меҳнат, 1992, – 326 б.
14. Авлоний Абдулла. Тошкент тонги. – Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 246-б. <https://metmash.kasaba.uz/oila-bahtli-bulsa-zhamiyat-mustahkam-buladi> мурожаат қилинган сана 22.02.2023 йил
15. Раҳмонқулов X. Тошкент, 2004 й. – Тошкент. 2004 й.
<https://staff.tiame.uz/storage/users/416/books/Ohx3NDxX1LHoV6Oxb2EUTvNThMQu99KMEEEoSJJ3.pdf>.
16. Ҳаёт китоби: Ёш оиласлар учун энциклопедик қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2011 -58 б.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси *Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз берииш орқали қабул қилинган*. <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат қилинган сана 10.05.2023 й.